10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазибчиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса,томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили “______” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучга эга.



## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

| “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”<br>**“Ҳудудгазтаъминот” АЖ “Ҳудудгаз Навоий” газ таъминоти филиали** | **“ИСТЕЪМОЛЧИ”**<br>Навоий вил бош ТИЭК<br>(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи) |
|---|---|
| Манзил: Навоий ш. М.Таробий кўчаси<br>Тел./факс: 78-770-24-75<br>х/р 22634000805113960358<br>Банк номи: «Ўзсаноатқурилишбанк» Ракат филиали<br>МФО: 00435<br>ИНН 306605769<br>ОКЭД: 35220<br>Х/Р__________ | Почта манзил: И Сино кўчаси<br>**ОКПО коди**________<br>**ОКЭД**________<br>Мулоқот у-н телефони 90-500-22-55<br>Ғаз./х________<br>Банк номи: Марказий банк Тошкент<br>МФО 00040<br>ИНН 200004123<br>ш/х 23402000300100001010<br>х/р________<br>(ғазначилик бўлинмаси номи) |
| Раҳбар в.в.б: Н.С.Гаффаров<br>**(Ф.И.Ш.)**<br>**Имзоси:**________<br>Мухр ўрни | Раҳбар: Усмонов<br>**(Ф.И.Ш.)**<br>**Имзоси:**________<br>Мухр ўрни |

Юридик маслаҳатчи хулосаси: ________________

________________

(Ф.И.Ш.) (имзо, мухр) (сана)

ХУЛОСА
Хўжалик томонлама муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ФКнинг "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий база тўғрисида"ги қонун талаблари билан тартибга солинган. Томонларнинг шартнома шартлари Мажбуриятлари ва жавобгарликлари юқорида қайд этилган қонун талабларига риоя этилган ҳолда тузилган.

юрист